

Тошкент Архитектура Қурилиш₁ институту

“Геодезия ва кадастр” кафедраси

“Ер ҳукуки ва мониторинги асослари” фанидан

РЕФЕРАТ

Ўрмон мониторинги

3-10 гуруҳ
ДАВРОНОВ ОБИД

Тошкент 2013



**Энг олий мақсадим —
Халқимнинг омонлиги.
Каримов И.А**


«...Ҳозирги вақтда жаҳон фан-техника тараққиёти жадал ривожланиши муносабати билан табиий захиралардан хўжалик мақсадларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бунинг устига, дунё аҳолиси йилдан-йилга ўсиб бориб, кўпроқ миқдорда озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак ва бошқа нарсаларни ишлаб чиқариш талаб қилинмоқда. Бу эса ўрмонлар эгаллаб турган майдонларнинг жадал суръатларда қисқаришига, чўл-сахроларнинг бостириб келишига, тупроқнинг бузилишига, атмосферанинг юқорида жойлашган озон тўсиғи камайиб кетишига, ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб боришига ва бошқа ҳолатларга сабаб бўлмоқда»

Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсаҳасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 1-боб. Экологик муаммолар.” Т. “Ўзбекистон” 1998-Б.506.

ЎЗБЕКИСТОН ЎРМОНЧИЛИГИ

3


Республиканинг умумий майдони : 44 410,3, минг.га
Давлат ўрмон фонди -9800 минг.га.



Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг глобал устувор вазифа⁴лари орасида экологик масалалар биринчи ўринга чиқмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғломлаштиришни англаш барқарор ривожланиш шартларининг ажралмас қисми ҳисобланиб, инсоният ҳаётининг барқарорлиги, умуман, тамаддунимизнинг келажаги халқаро кун тартибидан мустаҳкам ўз тасдиғини топди. Экологик муаммоларнинг трансчегаравий тавсифи глобал иқлим ўзгариши билан уларга қўшимча таъсир кўрсатмоқда. Ўзаро манфаатларга асосланган халқаро ҳамкорликни ривожлантириш асносида юзага келаётган муаммоларни самарали ҳал этиш мумкин. Мазкур тизимда сайёрамизнинг барқарорлигини таъмин этишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ўрмонлар муҳим аҳамиятга эга.




Ўзбекистон ўрмон фондини тақсимланиши (минг га)



Ўрмонлар асосан экологик (сувни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, санитария-гигиена, соғломлаштириш, рекреацион), эстетик ва бошқа вазифаларни бажаради, чекланган даражадаги фойдаланиш, аҳамиятига эга.

Ўрмонлар давлат мулки — умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш лозим ҳамда улар давлат томонидан қўриқланади.



БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг 2006 йил 20 декабрдаги 61/193-сонли
резолуциясида 2011 йилни “Халқаро Ўрмонлар йили” деб эълон қилди
ҳамда ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, мувофиқ нодавлат
ташкилотларнинг асосий эътиборини ўрмонлардан оқилона фойдаланиш,
муҳофаза қилиш ҳамда барқарор ривожлантиришда фуқароларнинг
хабардорлигини оширишга қаратишга даъват этди. Халқаро Ўрмонлар йили
ўрмонларни муҳофаза қилиш муаммоларига жамоатчилик эътиборини
қаратишдек муҳим имкониятни яратмоқда. 2011 йил Бутунжаҳон атроф-
муҳит куни “Ўрмонлар: табиат сизнинг хизматингизда” шиори остида
ўтказилмоқда.


Бугунги кунга келиб ўрмонларни муҳофаза қилиш ва уларни тўқлаш соҳасида, хусусан, мамлакатимизда эришилган қатор ижобий мисолларни келтириш мумкин. Республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг 3,3 млн. гектар ерини ўрмон ҳудудлари ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси давлат ўрмон фондининг умумий майдони 9629,6 минг гектар ёки мамлакат умумий майдонининг қарийб 21,7 фоизини ташкил этади. Ўрмон билан қопланган майдон сўнгги йилларда 2400 дан 3300 минг гектаргача ошди ва республика умумий майдонинг 7,5 фоизига тенг. Ҳозирда бизнинг келажагимиз, инсоният ва сайёрамиз келажаги атроф-муҳит соҳасидаги табиий ва техноген ҳалокатлар натижасида атроф-муҳитнинг ифлосланиши, биологик ресурсларнинг қисқариши, антропоген омиллар ёки табиат фалокатларининг салбий таъсири натижасида табиий ва маданий ландшафтларнинг бузилиши каби жиддий муаммоларни ҳал этиш асосан бизнинг ҳамкорликдаги фаолиятимизга боғлиқ. Шу сабабли атроф-муҳит ва табиий ресурсларни бошқариш муаммолари Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан жой олган.

Ҳамма ўрмонлар давлат ўрмон фондини ташкил этади.

Давлат ўрмон фонди:

1. давлат, аҳамиятига эга бўлган ўрмонлардан, яъни давлат ўрмон хўжалиги органлари қарамоғидаги ўрмонлардан;
2. бошқа идоралар ва юридик шахслар фойдаланишидаги ўрмонлардан иборат.

Орол денгизининг экологик фожиаси



Давлат ўрмон кадастри ўрмонларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, давлат ўрмон фонди¹² участкаларининг сифат тавсифлари ҳамда уларнинг ўрмондан фойдаланувчилар ўртасидаги тақсимооти тўғрисидаги маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат. Давлат ўрмон кадастри манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш, ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш мақсадида ўрмон тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш учун мўлжалланган. Давлат ўрмон кадастри давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ягона тизим бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда олиб борилади.

■ Ўрмонларнинг давлат ҳисоби ўрмон тузиш лойиҳалари асосида давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан, ўрмон тузиш ўтказилмаган жойларда эса давлат ўрмон фондини ҳисобга олиш ва текшириш материаллари асосида олиб борилади. Ўрмонларнинг давлат ҳисоби давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ягона тизим бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда олиб борилади.




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ТУҒРИСИДА

МИЛЛИЙ ҲИСОБОТ



ТОШКЕНТ – 2013 й.



Гослесфонд Республики Узбекистан

Общая площадь гослесфонда 9462.7 га, в том числе леса 3312.0 га (01.01.2010 г)



- Ўрмон мониторингини бугунги куннинг замонавий усулларида фойдаланган ҳолда амалга ошириш имконияти мавжудлиги бизни қувонтиради албатта.
- Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва келажак авлодга мерос қилиб қолдириш каби ишларнинг замирида ўрмон мониторинги хиссаси катта.



*Эътиборингиз учун
рахмат.*

